



20 20 у « 10 » июнь

№ Қ-261

« - » 20 г

**Шеробод тумани Кўхитанг массиви худудидан “FAYZULLO BARAKA TURIZM SERVIS” МСНҲга туризм хизматларини ташкил этиш, намунавий лойиҳа асосида замонавий санитария-гигиена шаҳобчасини ҳамда алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган овқатланиш шаҳобчасини ташкил этиш мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/244-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 28 апрелдаги 01-05/437-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/244-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Кўхитанг массиви худудидан “FAYZULLO BARAKA TURIZM SERVIS” МСНҲга туризм хизматларини ташкил этиш, намунавий лойиҳа асосида замонавий санитария-гигиена шаҳобчасини ҳамда алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган овқатланиш шаҳобчасини ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1518-дала контурида 0,50 гектар яйлов ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “FAYZULLO BARAKA TURIZM SERVIS” МСНҲ туризм хизматларини ташкил этиш, намунавий лойиҳа асосида замонавий санитария-гигиена шаҳобчасини ҳамда алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган овқатланиш шаҳобчасини ташкил этиш мақсадида ажратилаётган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 678 030 (олти миллион олти юз етмиш саккиз минг ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкнинг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминласин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод туман ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов